2012 йил 13 март, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (12.111)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кичик бизнес

***Кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бораётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган муҳим эътибор самарасидир.***



## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Хусусий тадбиркорларга кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак, ташаббусларининг қўллаб-қувватланаётгани боис йилдан йилга иш суръатимизни ошириб боряпмиз, — дейди «Style Ster» масъулияти чекланган жамияти директори Азим Иброҳимхўжаев. — Бизнинг фаолиятимиз бундан ўн беш йил муқаддам кичик хусусий корхонани ташкил этишдан бошланган эди. Аста-секин моддий-техник базани мустаҳкамладик, ишлаб чиқараётган пойабзалларимизнинг ўз махсус кўринишга эга бўлишига эришдик, хом ашё етказиб берувчилар ва буюртмачилар тармоғини шакллантирдик. Натижада ўтган йили хусусий корхонани қўшимча иш ўринларини яратган ҳолда масъулияти чекланган жамиятга айлантирдик.

Кредит ҳисобига Европадан замонавий Европа ускуналарини харид қилдик. Ушбу анжомларда ҳозирда 60 турга яқин эркаклар пойабзалларини ишлаб чиқаряпмиз.

Корхона маҳсулотлари эксклюзив моделлар асосида тайёрланади ва «Step by Step» фирмали дўконлар тармоғи орқали сотувга чиқарилади.

— Маҳсулотларимизни маҳаллий ҳамда хориждан келтирилган хом ашёлардан фойдаланган ҳолда тайёрлаймиз, — сўзида давом этади А.Иброҳимхўжаев. — Сифат характеристикалари бўйича тайёр пойабзалларимизнинг Европа стандартларига мос бўлишига ҳаракат қиламиз. Бироқ бизнинг цехларимизда тайёрланган маҳсулотлар Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган пойабзаллардан 2-3 баробар арзондир.

Янги йилдан жамоа фаолияти янада ривожлана бошлади. Эндиликда бир ойда 200 жуфтгача пойабзал ишлаб чиқарилмоқда.

— Тез орада аёллар мокасинлари ва баланд пошнали туфлиларини катта туркумларда ишлаб чиқаришни бошлаймиз, — суҳбатга қўшилди модельер-бичиқчи Анвар Иброҳимхўжаев. — Юнусобод туманида эса янги дўконимизни очамиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ушбу палата эксперт кенгашининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган электрон ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, йирик ва кичик корхоналар, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши самарасида маълумотларнинг электрон алмашинувига асосланган ахборот айирбошлаш тизими самарадорлиги ошмоқда. Бугунги кунда ахборот технологиялари барча соҳаларда фаол татбиқ этилмоқда ва бу жараён бошқарув тезкорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад – электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланмаси тизимини амалиётга кенг жорий қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнини фаоллаштириш, ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор ютуқлар билан танишиш ҳамда бу борада тажриба алмашиш эканини таъкидлади.

Ахборот узатишнинг электрон шаклга ўтказилиши ҳам тадбиркорлар, ҳам аҳоли учун қатор афзалликларга эга. Барча жойларда давлат органларининг расмий веб-саҳифаларининг очилиши мамлакатимиз фуқаролари билан интерфаол мулоқот қилиш имконини беради.

Қарор ва ижро

## ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*(Давоми 3-бетда)*

ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ:

## ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар, тажриба ва амалиёт» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда медиа соҳа раҳбарлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори А.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллий медиа соҳани ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу жараёнда замонавий талаблар асосида журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароит ва имкониятларни яратишда муҳим омил бўлаётир.

Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳақида халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор этишга, бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга тезкор, холис, ҳаққоний муносабат билдиришга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим даргоҳларидан бири – Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини янгилаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан университет ҳузурида Олий журналистика курсининг фаолият олиб бораётгани мутахассисларнинг чуқур ихтисослашуви, касб маҳоратининг янада ошишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида эса хорижий тилларни пухта биладиган, замонавий касб малакасини эгаллаган халқаро журналистлар тайёрланмоқда. Мазкур олий таълим даргоҳларини тамомлаган ёшлар мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Анжуманда журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини замон талабига мос тарзда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий ўқув юртларидаги таълим жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ижодий лабораторияларни кенгайтириш, талабаларнинг амалий билим ва кўникмаларини шакллантириш, билим даргоҳлари ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Болалар спорти

## БАРКАМОЛ АВЛОД МАНЗИЛИ

***Комилликка интилиб, фарзандларига эзгу фазилатларини мерос қолдириш халқимизнинг бетимсол қадриятларидандир. Баркамол авлод орзуси – бугунидан маъно топиб, эртанги куни ҳам ёруғлигига ишониб яшаётган элимизнинг эзгу манзили, барча интилишларимиз негизидир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.***

### Энг улуғ ва муқаддас мақсад

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олишини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида бу улуғ мақсадга эришиш учун мамлакатимизда барча имконият ва зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, 2003-2011 йилларда Жамғарма томонидан 1363 спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина 2011 йилда 130 спорт иншооти ва 19 сузиш ҳавзаси барпо этилиб, 3,4 миллиард сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланди. Натижада мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008-2011 йилларда 29,2 фоиздан 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

*(Давоми 3-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 123-мактабда «Баҳор маликалари» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкентдаги Art & Факт бадиий галереясида «Аёл нигоҳи» фотокўргазмаси очилди. БМТнинг Тараққиёт Дастури ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада 35 дан зиёд аёл-фотографлар иштирок этмоқда. Кўргазма 19 мартгача давом этади.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар» деб номланди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уюштирилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Шуманай тумани марказида 150 ўринли замонавий мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишга 1 миллиард 134 миллион сўм сарфланди.**

**• Хонобод шаҳрида банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан болалар кийим-кечаклари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Ҳумоюн тароватi» корхонаси ташкил этилди.**

**• Сариосиёлик тадбиркорлар Зафар Нусратиллаев ва Зайнилла Хўжаев ташаббуси билан Янгиобод маҳалласидаги бўш турган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий спорт мажмуасига айлантирилди. Бунинг учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**

**• Қизириқ туманидаги «Жаҳонгир» хусусий корхонасида йилига 7 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линия ишга туширилди. Бунинг учун банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағи эвазига хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Мазкур лойиҳа туфайли 10 нафарга яқин қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Корхона ойига 500 минг дона ғишт ишлаб чиқармоқда. Туманда ўтган йили қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиши туфайли 502 та иш ўрни яратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Исландияда олимлар тез орада кучли вулқон отилиши мумкинлигини аниқладилар. Қалин музликнинг юз метр ичкарисида бошланган ушбу жараён муз қатламини эритиб, келгусида кучли тошқин хавфини келтириб чиқаради.**

**• Facebook электрон тармоғида махсус газетага ўхшаш янги бўлим яратилди. Хабар берилишича, эндиликда бу бўлимда фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган воқеалар рўйхатини тузиб, ошкор этишлари ҳамда унга бошқаларни ҳам обуна бўлишга чорлашлари ва машҳур шахсларнинг суратларини жойлаштиришлари мумкин бўлади.**

**• Экологлар Қизил денгиз қирғоқларидан 300 метр узоқликда нефть доғини аниқладилар. Хабарларга кўра, «қора олтин» Рас Муҳаммад номидаги ноёб миллий қўриқхонага зарар етказиб, Шарм-ал–Шайх дам олиш зонасигача етиб бориши мумкин. Ҳозирда Жанубий Синай губернатори томонидан тузилган махсус гуруҳ ким томонидан бундай иш содир қилинганлиги юзасидан суриштирув ишларини олиб бормоқда. Тахминларга кўра, бунда Эль-Тор шаҳрида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналаридан бири айбдор бўлиши ҳам мумкин.**

**• Афғонистон жанубида қор кўчиши оқибатида 45 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Қутқарувчилар аллақачон кўчки остида қолган жасадларни топиш ишларини бошлаб юборган, аммо, уч кундан буён тинмай ёғаётган кучли қор мутасаддилар томонидан олиб борилаётган қутқарув ишларига тўсиқ бўлаётир.**

**• Куни кеча Индонезиянинг бир-бирига яқин жойлашган оролларидан бирида 5 балли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши Тинч океанининг ғарбий-шарқида 125 километр ер остида юз берди. Кам аҳоли истиқомат қилувчи ушбу ҳудудда жабрланганлар ёки талафотлар, цунами ҳақида маълумотлар йўқ.**

Қарор ва ижро

# СИМОБЛИ ЛАМПАЛАР УТИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

***«Neo Sun Light» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида фойдаланиб бўлинган энергияни тежовчи люминесцент симобли лампаларни утилизация қилиш йўлга қўйилди. Бу ерда ўрнатилган барча ускуналар мувофиқлик сертификатига эга бўлиб, назорат органлари – Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказидан тегишли рухсатномалар олинган.***



Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида «Neo Sun Light» қўшма корхонаси директорининг ўринбосари Ибодулла Шукуров бу ҳақда журналистларга атрофлича гапириб берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, симобли лампалардан фойдаланаётган барча юридик шахслар уларни махсус ускуналар билан жиҳозланган ва ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларга утилизация қилиш учун қайтариб топширириши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, гигиеник классификация бўйича симоб ўта хавфли кимёвий модда ҳисобланади. Ҳар бир нурланувчи лампа ичида 3-5 мг буғ кўринишидаги симоб мавжуд. Лампанинг шикастланган колбаси оғир заҳарланишга сабаб бўладиган зарарли буғларни ташқарига чиқариб юборади. Улар, айниқса, асаб, жигар, буйрак, ошқозон-ичак тизимига кучли таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтгача қайтариб топшириш ва қайта ишлашнинг марказлаштирилган тармоғи мавжуд эмаслиги туфайли ишлатиб бўлинган лампалар кундалик чиқиндилар билан бирга ташлаб юборилаётган эди.

Завод мутахассисларининг маълумот беришича, 2011 йилда 6 миллион дона тежамкор лампалар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич ушбу ярим йиллик охирига келиб 10 миллион донага етади. Бу фақат мана шу корхонага тегишли рақам. Мамлакатимиз бўйича аҳолининг кам энергия сарфлайдиган лампаларга бўлган талаби 50 миллион донани ташкил этади. «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси 2011 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган «Uzkor Lighting» қўшма корхонаси негизида тежамкор лампаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича янги лойиҳани амалга оширди, шунингдек, «Neo Sun Light» қўшма корхонаси қувватларини кучайтириш бўйича ишларнинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда бўлганидек, аста-секин энергияни тежаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда ва босқичма-босқич кам энергия сарфловчи лампаларга ўтилмоқда.

Шу ўринда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш керакки, юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кам энергия сарфловчи лампалар сифат жиҳатидан дунёда ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлардан асло қолишмайди. Ушбу лампаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг хизмат қилиш муддати узоқ бўлиб, тўхтовсиз 8000 соат ёниб туриши мумкин. Бу оддий чўғланувчи лампаларга нисбатан 8 марта кўп демакдир. Айни вақтда улар оддий чўғланувчи лампаларга нисбатан 4-5 маротаба кам энергия сарфлайди.

Ихчам тежамкор нурланувчи лампаларни тайёрлашда биргина ишлаб чиқариш циклида амальгама (симоб ва рухнинг шарсимон қоришмаси)дан фойдаланилади. Бунда ишлаб чиқариш ускунаси герметик тарзда, симобнинг ҳавога чиқиб кетиши ва очиқ сув ҳавзаларига тушиб кетишининг олдини олган ҳолда ишлайди.

Шу сабабли атроф-муҳит симобдан зарарланишининг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ишлатиб бўлинган симобли лампаларни йиғиш ишлари билан утилизация ташкилотлари, лампаларни ишлаб чиқарган корхоналарнинг ўзи шуғулланиши, шунингдек, ушбу маҳсулотларни сотиш пунктлари орқали, маиший чиқиндиларни йиғиш пунктларида лампаларнинг шикастланиши ва улар таркибидаги симобнинг ҳавога, сув ҳавзаларига, тупроққа ва озиқ-овқат маҳсулотларига тушишидан ҳимояланган ҳолда алоҳида идишлар ўрнатиш орқали амалга оширилиши белгиланган.

Фуқароларнинг фойдаланиб бўлинган лампаларни топшириш қоидаларини пухта билиши ва бу ишнинг зарурлигини чуқур англаб етиши ниҳоятда муҳим. Шу боис ҳам қабул қилинган Низомда савдо шохобчалари ва мажмуалари, шунингдек, фирма дўконлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг ваколатхоналари орқали симобли лампаларни сотаётган савдо ташкилотлари фойдаланиб бўлинган симобли лампа ресурсларини мажбурий тартибда чекланмаган миқдорда қабул қилиб, уларни ишлаб чиқарувчиларга қайтариб топширишлари алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга, мана шундай лампаларни қайтариб олиб келган ҳар бир шахсга, олиб келинган лампа қайси корхонада ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, янги тежамкор лампаларни харид қилишда рағбатлантириш мақсадида беш фоизлик чегирмалар берилиши лозим. Бундан ташқари, «Махсустранс» корхонаси симобли лампа чиқиндиларини тўплаш ва ташиш учун алоҳида махсус идишлар билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, ҳар бир буюмдан самарали фойдаланиш, эскиргач, уни белгиланган тартибда утилизация қилиш – экологик мувозанатни сақлаш, миллат саломатлиги ҳамда Ватанимиз келажаги ҳақида қайғуриш демакдир.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Коммунал хизматлар

# СУВНИНГ ҲАР ҚАТРАСИ – ЗАР

***«Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан фуқароларни сувдан тежамли фойдаланишга ва сув таъминоти учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишга даъват этадиган, шунингдек, сув сарфини ўлчайдиган ҳисоблагичлар ўрнатишнинг фойдали жиҳатларига бағишланган турли мавзулардаги плакатлар чоп этилди.***

Ичимлик сувини истеъмолчиларга етказиб бериш мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, бу иш катта ресурсларни ва сув таъминоти тизими мутахассисларининг уюшқоқлик билан фаолият юритишини тақозо этади. Фойдаланилган сув учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ушбу хизматларнинг узлуксиз фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигида сув таъминоти тизимидаги мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, сувдан фойдаланиш маданияти ва тежамкорликнинг аҳамияти, коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, сифатли коммунал хизматлардан фойдаланиш борасидаги истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ўқитилмоқда ва улар ушбу мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилмоқда.

Олиб борилаётган ишлардан асосий мақсад – истеъмолчиларга бутун дунёда ичишга яроқли бўлган чучук сув захираларининг миқдори чекланганлиги ва ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини, шунингдек, фойдаланилган сув учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш сув таъминоти тизимида таъмирлаш ишларини бажариш ва муҳандислик конструкцияларини модернизация қилиш имконини беришини тушунтиришдан иборат. Ҳисобга олиш ва ҳисоботни амалга оширишда биллинг тизимининг жорий этилганлиги фойдаланилган сув учун тўловларни йиғиш тизимини замонавийлаштириш ва сув таъминоти тармоқларига ноқонуний уланишларга қарши кураш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Автоматлаштирилган тизимда ҳар бир истеъмолчи ҳақидаги барча маълумотлар, яъни унинг манзили, боғланиш маълумотлари, шахсий ҳисобрақами, мавжуд сув ҳисоблагичи ва унинг кўрсаткичлари сақланади.

Биллинг тизими «Сувсоз» давлат унитар корхонаси фаолиятида анчадан буён қўлланилмоқда.

– Биллинг тизими бизга ҳисоблагичлардан фойдаланувчиларнинг кундалик сув сарфини билиш, барча маълумотларни ягона ахборот марказига жамлаш, хизматлар учун тўловларни йиғиш ишларини осонлаштириш имконини беради, – дейди «Сувсоз» давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғининг ўринбосари Румия Муртазина. – Тизим ёрдамида абонентларга мавжуд қарзларини ўз вақтида тўлашлари учун тўловномалар бериш мумкин. Қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда бизнинг хизматлар марказимиз истеъмолчиларга бу ҳақдаги маълумотларни етказади. Қарздорликка қарши курашиш учун биз қарздорлар рўйхати юбориладиган маҳаллалар билан кенг ҳамкорлик ўрнатмоқдамиз.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида бу борада бошқа усуллардан фойдаланилмоқда.

– Бу ерда қарздорлик билан боғлиқ масалалар уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишида ҳал этилади, – дейди Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг бош муҳандиси Мирсолиҳ Соатов. – Бундай йиғилишларда қарздорнинг ҳам арзи эшитилиб, унга амалий ёрдам бериш имкониятлари муҳокама қилинади. Бунда, биринчи навбатда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари фойдаланилган сув учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишнинг аҳамиятини ва бу маблағлар қандай мақсадларга сарфланишини тушунтириб беришлари керак.

Коммунал хизматларга тўловларни амалга ошириш барча коммунал тизимдаги ишларни самарали ташкил этиш ва ривожлантиришнинг кафолатидир. Ҳар бир уй-жой эгаси шу уй ўзига тегишли бўлиб, унга қараш мулкдорнинг вазифаси эканлигини, коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаши зарурлигини чуқур англаб етмоғи лозим. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан чиқарилган плакатлар ҳам айнан мана шунга даъват этади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Мустақиллик йилларида ҳуқуқшунослик соҳасини ривожлантириш, етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.***

Бу йўлда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури», «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юристлар малакасини ошириш марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги, Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг «Юридик йўналишлари мавжуд олий таълим муассасаларида ўқув интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарорлари катта аҳамият касб этади.

Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган «Юридик таълим ва фанни ривожлантириш истиқболлари» мавзуидаги илмий-амалий семинар ҳам соҳага оид ютуқ ва камчиликлар таҳлилига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Адлия вазирлиги, Олий суд, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, ОАВ вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда Тошкент Давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Анжуманда ТДЮИ ўқув ишлари бўйича проректори Р.Зуфаров, ТДЮИ проректори, юридик фанлари доктори, профессор М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор Ш.Рўзиназаровнинг «Мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва истиқболда такомиллаштириш масалалари», «Юридик фанларни ривожлантириш истиқболлари», «Юридик фанларни модернизация қилиш муаммолари» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Шуниси қувонарлики, семинар давомида ўтган ўн йил мобайнида Тошкент Давлат юридик институти профессор- ўқитувчилари томонидан барча фанлар бўйича тайёрланиб, чоп этилган 244 та дарслик (шундан 56 таси лотин алифбосида, 7 таси қорақалпоқ тилида, 31 таси эса коллеж ва ўрта мактаблар учун), 554 та ўқув қўлланма, 685 та ўқув-услубий қўлланмалар кўргазмага қўйилди. Ўқув жараёнига янги ахборот технологияларни жорий этиш ва талабалар учун қулайликлар яратиш мақсадида 221 та электрон дарслик, 523 та электрон ўқув қўлланмалар Ахборот-ресурс маркази қошидаги электрон базага киритилгани, 208 та монография, 344 та рисола, 26 та қонунларга шарҳлар, 160 та конференция материаллари, 162 та журнал ва илмий тўпламлар тайёрланиб чоп этилгани ҳақида айтиб ўтилди. Юқорида қайд этилган ўқув қўлланмаларнинг 12 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан йилнинг энг яхши дарслиги деб топилгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти моддий-техник базаси ҳам янгиланиб, талабалар фойдаланиши учун 88 та мультимедиали проекторлар, 2 та масофали ўқитиш қурилмалари ишга туширилди, 2 та интернет-синф, 5 та компьютер-синфи ва 2 та электрон кутубхона ўз фаолиятини бошлаган. Ўқув жараёнини янада такомиллаштириш ва дарс машғулотлари сифатини таҳлил қилиб бориш мақсадида аудиторияларга видеокузатув тизими ўрнатилди, хорижий тилларни мукаммал ўргатиш учун Адлия вазирлиги кўмагида замонавий лингафон хонаси ташкил қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра, 2001-2011 йиллар давомида чет эл олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, 12 та хориж олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, натижада 167 та профессор-ўқитувчи хорижда малака ошириб, тажриба алмашишга, 156 та талаба хорижда таҳсил олишга ёки қисқа муддатли тажриба алмашишга муваффақ бўлдилар.

Шу ўринда айтиш керакки, таянч олий таълим муассасаси бўлган ТДЮИ қошида Япония ҳукуматининг кўмаги ва Нагоя университети билан ҳамкорликда Марказий Осиёда биринчи марта «Япон тили ва ҳуқуқини ўрганиш маркази» ўз фаолиятини бошлади.

Анжуманда сўзга чиққанлар соҳада эришилаётган шу каби натижаларга тўхталиб, келгусида бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган кўплаб ишлар турганини таъкидладилар. Жумладан, ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрловчи таълим муассасалари фаолиятини ягона тизим остида бирлаштириш, ҳозирда дарсликларнинг 22 фоизини ташкил этиб турган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни қисқартириш ҳамда ихтисослик фанлари соатларини кўпайтириш, ривожланган давлатлар олий ўқув юртлари ва илмий марказларига малака ошириш ва тажриба алмашиш учун юборилаётган ҳуқуқшунос кадрлар сонини кўпайтириш ва моддий таъминот масалаларини ҳал қилиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга янада кенгроқ шароит яратиш учун аудитория фондини кенгайтириш ҳамда спорт комплексини қуриш масалалари ўртага ташланди.

Илмий-амалий семинар якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан келгусида юридик фанларни ривожлантириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

Иқтисодиёт

# БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

***Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга буюртмачилар сафи ортишида унинг бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши, рақобатбардошлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бозор ва харидор талабларини чуқур ўрганган ҳолда замонавий технологиялар қўлланилиб тайёрланаётган маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозорда ўрнини топмоқда.***

Шу ўринда алоҳида айтиш лозимки, бозорда муҳим ўрин топишда маҳсулот турларини янгилаш, юксак унумли технологик линия қувватини ишга солиш, маркетинг ишларини кучайтириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта. Бугунги кунда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда тайёрланаётган маҳсулотлари турларини талаб ва таклифлар асосида янгилаётган «Daromat Munira Fayz» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари иш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлашга астойдил интилишмоқда.

Корхонада аввало буюртмаларни ўрганган ҳолда кенг турдаги махсус кийимлар ва турли моделдаги пойабзаллар ишлаб чиқарилади. 2006 йилда фаолият бошлаган кичик корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб, мижозлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Буюртмаларнинг муддатида ва сифатли адо этилаётгани эришилаётган муваффақиятлар омили бўлмоқда, десак асло муболаға эмас.

Тайёрланаётган кийим-кечак ва пойабзаллар буюртмачилари сафида йирик корхона ва фирмалар, ташкилотлар ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам бор. Шу ўринда «Нефтгазмонтаж», «SAM Avto» қўшма корхоналари, «Шўртангаз» кимё мажмуаси, «Uz Gaz Oil», «Жарқўрғоннефть» сингари корхоналарни алоҳида келтириш лозимки, улар доимий буюртмачилардан саналади. Мазкур корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳамда янги мижозларни жалб этиш йўлидаги изланишлар боис тадбиркорларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 600-650 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Корхонани замон талабига мос жиҳозлашга, цехларга янги дастгоҳ ҳамда ускуналар ўрнатишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бу эса қўшимча ишчи ўринлари яратишда, кийимлар дизайнини оширишда муҳим ҳисса бўлаяпти. Бугунги кунда цехларда 30 нафардан зиёд малакали чевар маҳорат кўрсатаётган бўлса, имкониятлардан фойдаланган ҳолда келгусида уларнинг сафини икки бобарбарга кўпайтириш, хориждан ҳам буюртмалар олиб, экспортни йўлга қўйиш тадбиркор жамоанинг асосий мақсадлари қаторидан ўрин олган. Шу кунларда эса улар янги буюртмаларни муваффақият билан уддалашмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мисол учун, Сирдарё вилояти Ховос туманида яқин-яқингача ҳам болалар спорт билан шуғулланиши учун умуман шарт-шароит йўқ эди. 2011 йил декабрь ойида туман марказида замонавий «Умидли ёш спортчилар мактаби» қурилиб фойдаланишга топширилди ва 76 номдаги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бугун тумандаги 480 нафар ўқувчи-ёшлар дарсдан сўнг ҳар куни футбол, стол тенниси, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бадиий гимнастика, мини футбол, бокс, кўл жанги, армрестлинг каби спорт турлари билан малакали мураббийлар раҳбарлигида шуғулланмоқда.

– Бу спорт мактабининг очилгани туманимиз аҳолиси учун катта совға бўлди. Ҳозир ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини спорт машғулотларига олиб келмоқда, – дейди «Умидли ёш спортчилар мактаби» директори Ҳамиджон Туратов. – Ўтган уч ой ичида ўқувчиларимиз армрестлинг ва эркин кураш бўйича вилоят турнирида ғолиб бўлди. Кураш, футбол, бадиий гимнастика ва стол тенниси бўйича «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичига йўлланма олди. Энг муҳими, фарзандларимиз энди жисмонан чиниқиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун аниқ бир жойга ва мураббийларга эга бўлди.

## Баравж ниҳоллар меваси

Ўн беш-йигирма йил аввал кўплаб спортчиларимиз хорижга биринчи бор чиққанда замонавий спорт анжомларидан ҳайратланиб, шундай жиҳозлардан фойдаланишни орзу қилгани сир эмас. Чунки улар эски биноларда, ностандарт ё қўлбола спорт анжомлари билан шуғулланишга мажбур эди. Ҳозир эса профессионал спортчиларимиз тугул оддий ёшлар ҳам сўнгги русумдаги спорт инвентарлари ва замонавий дастурлар асосида машғулот олиб бормоқда.

Илгари ёш спортчиларимизнинг бирор-бир халқаро мусобақага хорижда тайёргарлик олиб бориши, ўқув-йиғин машғулотлари ўтказиши катта воқеа саналган бўлса, бугун бу оддий ҳолга айланди. Натижада халқаро мусобақаларда ёш спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 186 медаль (60 олтин) жамғарди.

Гарчи Ўзбекистонда денгиз олис ва сув унчалик мўл бўлмаса-да, ёшларнинг сузиш билан шуғулланиши учун етарлича имконият яратилаётганини алоҳида таъкидламоқ керак. 2011 йилда Андижон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Шоҳсанам Тошпўлатова сузиш бўйича Германияда ўтказилган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллади. Қорақалпоғистоннинг Тахиатош шаҳридаги ихтисослашган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларидан 18 нафари халқаро мусобақаларда 4 олтин, 7 кумуш медалга сазовор бўлди. Айниқса, шу мактаб ўқувчиси Абубакр Узоқбоев Президентимиз Ислом Каримовга берган ваъдасининг устидан чиқиб, академик эшкак эшиш бўйича Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритгани сув спорти турлари бўйича Ўзбекистон ёшларининг қанчалик юксак салоҳиятга эга бўлиб бораётганидан далолатдир.

Ёки футболни олайлик. Ўн-ўн беш йил олдин юртимизда сунъий қопламали майдонлар нарида турсин, машғулот жараёнида ўртача тўрт болага битта копток тўғри келарди. Бугун эса ўнлаб сунъий қопламали майдонларда исталган фаслда машғулот ўтказиш имконияти мавжуд, ҳар бир бола турли ўлчамдаги 3-4 тўп билан таъминланган. Бунинг ҳаётий самарасини ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталари Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида яққол намоён этди.

## Саломатлик – энг баланд шоҳсупа

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришни умуммиллий ҳаракатга айлантиришдан мақсад, аввало, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш. Бу – медаллар шодасига эришишдан ҳам юксакроқ манзил. Зотан, спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳам шунда.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин умумтаълим мактабларимиздаги жисмоний тарбия дарсларини кўз олдимизга келтирайлик: машғулот ўтказиш учун на тайинли шароит, на замонавий спорт жиҳози бор эди, мақсадли машғулотлар дастури ва уни амалга оширадиган мутахассислар масаласини айтмаса ҳам бўлади. Айниқса, қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарси дейилса, одатда, турнақатор тизилган болаларнинг бадан-тарбия машқлари ёки увадаси чиққан бир тўп билан мактабнинг чанг ҳовлисидаги футбол тушуниларди.

Бугунги манзара умуман бошқача. Аксарият умумтаълим мактабларида замонавий спорт заллари барпо этилиши билан бирга ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари иқтидорли спортчиларнинг янги авлодини тарбиялашда мактаб вазифасини ўтамоқда. Бундан ташқари, ҳар йили ўтказилаётган турли спорт фестиваллари, «Ёзги таътил», «Қувноқ стартлар» сингари мусобақалар минг-минглаб болаларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштиришга жалб этиш имконини бермоқда.

# БАРКАМОЛ АВЛОД МАНЗИЛИ



Бир пайтлар халқаро ютуққа эришган бирор-бир спортчи билан ёшларнинг учрашиши гўё эртак эди. Ҳозир эса чекка-чекка қишлоқларда ҳам Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионлари билан «Бугунги мухлис – эртага қатнашчи, қатнашчиликдан – маҳоратли спортчи, маҳоратли спортчидан – чемпион!» шиори остида турли маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Биргина ўтган йили минглаб болалар ана шундай эл-юртимиз таниган спортчиларнинг маҳорат сабоқларида қатнашиб, чемпионлар қўлидан эсдалик совғаларини олди.

Буларнинг барчаси ёшларни спорт билан ошно тутинишга, соғлом ҳаёт кечиришга ундамоқда. Таҳлиллар эса сўнгги ўн йилда мамлакатимиздаги бундай ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари ижобий тарафга ўзгарганлигини кўрсатмоқда.

2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакатимиз бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони кескин камайди. Уларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда.

2011 йилда мамлакатимиз ўқувчилари ўртасида касалланиш туфайли дарс қолдириш 2005 йилга нисбатан 22,5 фоизга, 2010 йилга нисбатан 10,8 фоизга камайган. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ топилганлар сезиларли даражада ортмоқда.

– Ўғлим Нурлибекни муддатли ҳарбий хизматга жўнатяпмиз, – дейди ўртачирчиқлик Гулдона Рустамова. – Фарзандимни ана шундай соғлом йигитлар сафида кўриб, фахрландим. Ўғлим ёшлигидан кураш билан жиддий шуғулланади, катта-кичик турнирларда совринли ўринлар олган. Хизматдан сўнг олий таълим олиб, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлмоқчи, соғлом ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиш ниятида.

Ҳа, ота-она учун фарзандининг соғлом улғаяётганини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ.

## Спортга меҳр оиладан бошланади

Яқинда поездда қумқўрғонлик тадбиркор Абил Бойматов, унинг ўн уч яшар ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан билан гурунглашиб кетдик. Эгизакларнинг қиёфаси бир хил бўлса-да, гавдаси фарқли эди. Сабабини сўрасам, Ҳасан кураш тўгарагига қатнашар, Ҳусан эса бунақа ишларга кўп ҳам ҳафсала қилмас экан.

Абил ака пойтахтлик шифокорлардан маслаҳат сўрабди. Улар ёш организмни дори-дармондан кўра, спорт билан чиниқтириш самаралироқ эканини айтибди. Отанинг кўнгли хотиржам – ўғли спорт билан шуғулланиши учун қишлоқнинг ўзида етарлича имконият бор.

– Биз ўқиган пайтлар фақат ҳаво очиқ пайтдагина жисмоний тарбия дарси бўларди, унда ҳам битта баскетбол тўпи билан ҳам футбол, ҳам волейбол ўйнаганмиз, – дейди А.Бойматов. – Бир гал туманда мактаб ўқувчилари ўртасидаги волейбол мусобақасига бориб, ютқаздик. Тўпни урсак, шифтга тегиб кетаверди, хуллас, биттаям очко ололмадик. Тўрт-беш йил олдин мактабимизда спорт зали қурилиб, болаларимиз беш-олти спорт тури билан шуғулланадиган бўлди. Уларда бекорчи вақт бўлмагандан сўнг, ҳар хил безориликлар ҳам камайди. Қишлоғимизда ҳамманинг шундан вақти хуш.

## Ўзини енгган полвондир

Илгари айрим ота-оналар фарзандининг жанговар спорт турлари билан шуғулланишини истамасди. Чунки бундай болаларнинг кўчабезориларига қўшилиб кетиш хавфи ортарди. Бугун эса спортчининг маънавий тарбиясига ажратилаётган вақт жисмоний машқлардан кам эмас.

Олот туманидаги олимпия захиралари ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернатида дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров, кураш бўйича жаҳон чемпионлари Камол Муродов, Рамзиддин Саидов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионати кумуш медаль совриндори Фарҳод Тўраев каби дунё таниган полвонлар тарбия олган.

Бунга эришишда мазкур мактабдаги машғулотларнинг табиат билан уйғун олиб борилиши ҳам муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ёзда спортчилар чўлнинг қайноқ қумида шуғулланади. Натижада спортчи жисмонан чиниқади, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатини англайди. Характери тобланади, иродаси мустаҳкамланади.

– Полвон аввало ўзини енгган, инсонга меҳр қўйган, ўзини ҳурмат қилишни ўзгаларни қадрлаш билан тенг билган инсондир, – дейди мазкур спорт мактаби директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Рустам Тўраев. – Мактабимиз ўқувчилари эллик турдан ортиқ гулларни парвариш қилмоқда. Бу улардаги ҳаётга муҳаббат, эл-юртга наф келтириш туйғусини тарбиялайди. Жисмоний кучини ақл-идрок билан бошқаришга ўргатади. Аслида ҳам ўзини таниган инсон Ватанни ҳам англайди, эл-юртни ҳимоя қилиш мана шундай оддийликдан бошланади.

...Деярли ҳар куни ўзбекистонлик бирор ўғил-қиз спортнинг қайсидир йўналишида совринли ўринни қўлга киритганини эшитамиз. Бу – қобилият ва иқтидорини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун бахшида этаётган соғлом авлоднинг муваффақияти, йигирма бир йил олдин қўйилган тамал тошига муносиб миннатдорлигидир.

Ҳа, баркамол авлод манзили – халқимизнинг ёруғ келажаги. Бу саодат манзилига эришиш йўли эса ҳар бир оиладан, бугуни ва эртасига ишонган қалблардан бошланади. Спортга болалик давридан меҳр қўйган бола саломатликни бир умрлик ҳамроҳига айлантиради. Бундай инсон ўз фикрига эга бўлади, дуч келган йўлга кириб кетавермайди. Зотан, фарзандлари соғлом халқ буюк ишларга қодир бўлади, ҳар қандай замонавий таҳдид ва муаммоларни енга олади. Бундай миллатни ўзи танлаган йўлдан ҳеч қандай куч чалғитолмайди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Электрон хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиш кўлами кенгайиб бораётганини Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 2011 йилда мазкур қўмита томонидан кенг кўламли давлат интерфаол хизматларини кўрсатиш имконини берувчи расмий сайтнинг янги версияси амалиётга жорий қилинди. Давлат статистика ҳисоботи бланкаларини тақдим этиш, интернет тармоғи орқали фирма номларини заҳирага олиб қўйиш, фуқароларнинг статистикага оид шикоят ва аризалари, таклифларини кўриб чиқиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш бўлими бошлиғи Дамир Сайфулиннинг айтишича, ушбу тизим, айниқса, хўжалик субъектлари учун қулай ҳисобланади. Чунки интернет тармоғи орқали статистика ҳисоботини тақдим этиш тизимининг ўзи 22 шаклдаги статистика ҳисоботини топшириш имкониятини беради. Мазкур хизмат туфайли электрон ахборот алмашинувига асосланган электрон айирбошлаш самарадорлиги ошмоқда.

Иштирокчилар электрон ахборот алмашинуви ва ҳужжат айланмасини амалиётга жорий қилиш тизимини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Бу борада шуни таъкидлаш кераккки, бугунги кунда бўлажак фойдаланувчилар учун электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш бўйича тўққизта марказ фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур марказлар томонидан қарийб 206 минг дона электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари топширилган. Бундан ташқари, жойларда 118 та давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари ҳимояланган E-Xat электрон почта ва E-Hujjat электрон ҳужжат айланмаси тизимига уланди.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

***XXI аср инсоният тараққиётида глобаллашув, салоҳият ва ахборот даври сифатида таълим олдига ҳам ўзига хос талаблар қўймоқда. Шу боис рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш фақат замонавий талаблар асосидаги олий ўқув юртида амалга оширилиши турган гап.***

**Таълим**

# ЧУҚУР БИЛИМ ВА МАЛАКА

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳам илғор ўқув юртлари тажрибаси асосида замонавий таълим моделини яратишни ўз олдига вазифа қилиб олди.

Олий ўқув юрти ахборот марказидан маълум қилишларича, профессор-ўқитувчиларнинг замонавий техника ва технологияларда ишлашга етарли малака ҳосил қилишлари учун икки-уч ой давомида янги корхоналарда ишлаб келиш тажрибаси йўлга қўйилди. Кейинги йилларда ҳомийлар ёрдамида Японияда лаборатория жиҳозлари келтирилди. Германия ва Швейцариядан олинган замонавий йигирув дастгоҳларининг иш бошлаши муносабати билан янги режалар белгиланди. Айни вақтда Ҳиндистон, Хитой ва Франция мамлакатлари йирик компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Ўқув йилининг биринчи, иккинчи курсларида ўқитиш дифференциал поғонали бўлакли усулда ташкил этила бошланди.

Устоз-шогирд тизимининг ўзига хос шаклда амалга оширилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Иқтидорли ва қобилиятли талабаларнинг соҳа бўйича ишлаш истагини билдирганларидан чуқурлаштирилган, кенг қамровли билимга эга бўлган кадрлар тайёрлашга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ РКси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.10.2011 № 37740-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-даха, 3-уй, 31-хонадон. 2 хонали турар жой, умумий майдони 49,36 кв. м., яшаш майдони 33,60 кв.м. Бошланғич баҳоси 33 500 834 сўм.

II. Савдога Паркент тумани СИБ томонидан 03.08.2011 № 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган Паркент тумани, Заркент қишлоғида жойлашган Қўй қўраси бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси 17 500 000 сўм.

III. Савдога Бекобод тумани СИБ томонидан 01.02.2011 № 361-сонли ижро варақасига асосан хатланган Бекобод шаҳар, Аббосова кўчаси, 6-уйда жойлашган «Садаф» МЧЖга қарашли бино иншоотлар, умумий майдони 3.0 ГА., ҳақиқий фойдали ер майдони 2.947 ГА. Бошланғич баҳоси 807 260 000 сўм.

IV. Савдога Бекобод тумани СИБ томонидан 14.11.2011 № 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган Бекобод шаҳар, Аббосова кўчаси, «Цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони», умумий майдони 5180 кв. м., Бошланғич баҳоси 205 125 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 18 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 3 май куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002. МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Юнусобод тумани СИБ томонидан, 30.05.2011 йилдаги 14457/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, «UzRossel Trade» ҚКга тегишли, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-сонли жарима майдончасида сақланаётган** «Нексия» русумли д/р М7658 бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 20 914 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2012 йил 3 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 30 март куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**
**Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.**

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Такрорий аукцион савдосига Яккасарой туман СИБ томонидан,** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, умумий майдони 3781 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 5717 кв.м. дан иборат бўлган 5 та бино (биттаси 4 қаватли ертўладан иборат) ва 4 та иншоотдан иборат маъмурий бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 2 450 803 962 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 30 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 28 март куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз www.1kms.uz Лицензия: RR-0001

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият.**

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва турар жой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**
**Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.**

## Спорт янгиликлари

# РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

***Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан жаҳон чемпионатига саралаш турнири ҳал қилувчи тўртинчи босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***

Унга кўра Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси «А» гуруҳидан ўрин эгаллади. Энди ҳамюртларимиз Бразилияда уюштириладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш учун ўз гуруҳларида Жанубий Корея, Қатар, Эрон, Ливан терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Қуръа натижаларига кўра «В» гуруҳидан Австралия, Япония, Ироқ, Уммон, Иордания терма жамоалари ўрин олишди.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқичи гуруҳ баҳслари жорий йилнинг 3 июнидан келгуси йилнинг 18 июнига қадар давом этади. Ҳамюртларимиз дастлабки беллашувни ўз майдонларида эронлик чарм тўп усталарига қарши ўтказишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

# «ЁШ ВЕБ-ДАСТУРЧИЛАР» МАКТАБИ

***Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ёш веб-дастурчилар» мактабининг тўрт кунлик семинар-тренинги бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан саралаб олинган 50 нафарга яқин ёш дастурчилар иштирок этди.***

Семинарда ёшлар веб дастурлаш, веб дизайн, дастурлаш (Delphi ва Java дастурлаш тилларида), 3D ўлчамли графика каби мураккаб йўналишларда ўз билим ва малакасини оширди. Лойиҳа иштирокчилари учун амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди. Унда ёшлар ўзлаштирган билимларини амалиётда синаб кўришди.

«Ёш веб-дастурчилар» мактаби юртимиздаги ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, малакали тренерлар ёрдамида уларга зарур билимларни бериш ва ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун керакли шароит яратиш мақсадида ташкил этилган. Шу йилнинг январь ва февраль ойлари давомида лойиҳада иштирок этиш ниятидаги ёшлардан аризалар қабул қилинди. Унда 500 нафарга яқин «Келажак овози» республика кўрик-танловининг «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» йўналиши ғолиблари, олий ўқув юрти талабалари ва ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи йигит-қизлар иштирок этди. Улар орасидан 50 нафар энг иқтидорли йигит-қизлар саралаб олинди.

– Юртимизда йигит-қизларга замонавий асосда билим бериш, уларни ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган, — дейди «Келажак овози» танлови ғолиби, Турин политехника университети талабаси Абдулла Болтабоев. — Таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари барпо этилиб, ўқитиш сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга чиқди. Ўтган йили ташкил этилган «Ёш веб-дастурчилар» мактаби фаолияти билан яхши танишман. Бундай семинар-тренингларда иштирок этиш биз ёшларни янада кўпроқ ўқиб-изланишга ундайди. Бу ерда тенгдошларим яратган янги ихтиролар билан яқиндан танишиб, ёш олим ва кашфиётчиларнинг илмий ишларига оид янгидан-янги маълумотлардан хабардор бўлдим.

«Ёш веб-дастурчилар» мактаби ўқув-машғулотлари 2011 йилдан буён ўтказилади. Унда лойиҳа иштирокчилари томонидан тайёрланган веб-сайтлар, график ишлари ва турли дастурларнинг афзаллик тарафлари ҳамда қулайликлари намойиш этилади. Мактаб битирувчиларига махсус сертификатлар топширилади.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

***Мустақилликка юз тутганимиздан кейин мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар, айниқса, вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни баркамол шахслар этиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар, имкониятларни яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, юртимиз умумий аҳолисининг 64 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, яъни вояга етмаганлар ташкил этади.***

## Ёшлар — келажагимиз

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, менталитетимизга ёт бўлган зарарли оқимлар, оммавий маданият иллатларига қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, асосий эътиборни ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратиш каби муҳим вазифаларга бугунги кунда улкан эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш тезкор-профилактик тадбирини ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида»ги кўрсатмасига асосан, шаҳримиздаги барча олий ўқув юртлари раҳбарияти, ўқитувчилари ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилиши, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижроси йўлида «Диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатлари» ҳамда «Одам савдосига қарши кураш» мавзуларида учрашувлар уюштирилмоқда.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети раҳбарияти, барча факультетларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талабалар иштирокида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бошлиғи подполковник А. Сайдуллаев, Яккасарой тумани ТИИБ ХООБ катта инспектори, майор И. Суюнов ва бошқалар қатнашган учрашувда ҳам ана шу долзарб масалалар юзасидан фикр юритилди.

Жумладан, тадбирда сўзга чиққан университет Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи И. Рўзиев кун тартибидага масалалар хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бошлиғи подполковник А. Сайдуллаев «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил фикр юритди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга вояга етмаганларни баркамол қилиб ўстириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

А. Сайдалиев бугунги кунда глобал муаммолардан бири бўлган гиёҳвандлик иллати ва наркобизнесга қарши кураш йўналишида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходимлари наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани, «Қорадори», «Тўсиқ» қидирув-профилактика тадбирларининг натижалари ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси маълумотларига кўра, гиёҳвандлик ва наркобизнес бугунги кунда қатор мамлакатларда кенг тарқалиб, жиддий ижтимоий хавф сифатида баҳоланмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда 155-250 миллион киши гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилади. Улардан 11-21 миллиони захри қотилни нина орқали қабул қилади. Бу эса ўз ўрнида ОИВ инфекциясининг кенг тарқалишига олиб келмоқда. Биргина гиёҳвандлик моддасини томири орқали қабул қилувчи ва ОИВ инфекциясини ташувчилар 0,8 – 6,6 миллион кишини ташкил этади. Давлатимизга олиб кирилаётган наркотиклар асосан бошқа мамлакатларга олиб ўтиш учун мўлжалланган. Аммо шунга қарамай уларнинг муайян қисми ички бозорда реализация қилинади. 2006-2011 йилларда гиёҳфурушлардан 15 тоннадан зиёд захри қотил олиниб, йўқ қилинди. Ушбу даврда наркотикларни ноқонуний ўтказиш билан шуғулланган кўплаб шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Мазкур йўналишдаги ишлар ҳозирда ҳам давом этмоқда. Наркотикларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг асосий мақсадлари бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, самарадорлигини ошириш, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни даволаш ва реабилитация қилишдан иборат.

Ўтказилган учрашув олий ўқув юрти ходимлари ҳамда талабаларда катта таассурот қолдирди.

Халқимиз орасида «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» деган пурмаъно нақл бежиз айтилмаган. Ғаразгўй кимсаларнинг осон ва кўп пул топиш ҳақидаги эртакларига ишониб ўзга юртларда хору зорликда сарсон-саргардон бўлганидан кўра, албатта, ўз юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, оила даврасида соғ-саломат юриш улкан неъматдир. Зеро, ҳалол меҳнат билан юрт ривожига, халқ фаровонлигига хисса қўшишдан кўра шарафлироқ иш йўқдир.

**Муслима РАҲИМОВА**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси,**
**катта лейтенант**
**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман суд ижрочилар бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

| Автотранспорт тури, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами | Мулкнинг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси (сўм) | Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси |
| --- | --- | --- | --- |
| "Ваз 2109" 1994 й. 10 D 265 AA | Қизил (вишневый) | 6 784 233 | 1-353 16.12.2011 й. |
| "Ваз 2107" 1988 й. 30 J 5859 | Оқ | 3 951 380 | 1-263 24.10.2011 й. |
| "Нексия" 2009 й. 10 462 DAA | Қора | 20 800 000 | 1-22 27.01.2012 й. |
| "Ласетти" 2010 й. 10 P 127 EA | Оқ | 35 000 000 | 1-22 27.01.2012 й. |

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Бўстонлиқ туман Ғазалкент 2 «Мариам Текстил Сервис» МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда.

II. Тошкент вилояти Оққўрғон туман суд ижрочилар бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

| Автотранспорт тури, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами | Мулкнинг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси (сўм) | Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси |
| --- | --- | --- | --- |
| "Москвич 2140" 1982 й. 5697 ЧРС | (Техник носоз) | 972 000 | 1953 12.08.2011 й. |
| "Ваз 21093" 1998 й. X 688 WEM | (Техник носоз) | 3 891 000 | 5-415 22.04.2011 й. |
| "Т-28, Х-4" трактор | (Техник носоз) | 3 075 600 | 341 26.10.2005 й. |

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Оққўрғон туман «ИИБАМТФКМНБ» жарима майдонида сақланмоқда.

III. Тошкент вилояти Бекобод туман суд ижрочилар бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

| Автотранспорт тури, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами | Мулкнинг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси (сўм) | Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси |
| --- | --- | --- | --- |
| "Ваз 2102" 1983 й. 10 V 872 DA | Оқ, (Техник носоз) | 3 128 000 | 3915 15.02.2012 й. |
| "Дамас" 1998 й. 11 T 5408 | Қизил (Техник носоз) | 9 663 000 | 5375 23.02.2012 й. |
| "Иж 2125" 1987 й. 11 I 2296 | Пушти (Техник носоз) | 1 629 000 | 3916 15.02.2012 й. |
| "Ваз 2102" 1979 й. 11 P 6347 | Жигарранг (Техник носоз) | 1 567 000 | 3917 15.02.2012 й. |
| "Форд" 1988 й. 11 W 9962 | Қизил, (Техник носоз) | 10 993 000 | 3914 15.02.2012 й. |

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари «Бекободсавдо» МЧЖ омборида сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 2 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги Қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

## ТЎРТЛИКЛАР

Бу не таманноки, жисму жон титрар,
Гоҳида ошкора, гоҳи пинҳон титрар.
Кўнгил дер, чаҳ-чаҳ ур,
пойига йиқил,
Ақлим дер,эй Маҳмуд,
бу шайтон титрар.

* * *

Нокас билан ўтган ҳар кунинг,
Умр бўйи тонг отмас тунинг.
Кимга йиғлаб, кимга бўзлайсан,
Виждон айтар чиқарма унинг.

* * *

Кўнгил ҳаловатни истаса агар,
Юрак шижоатга бўлар даъвогар.
Ҳаловат, шижоат кимга ёр бўлса,
Ўкинмай яшайди то рўзи машҳар.

* * *

Шитоб асли йигитга керак,
Кексаларга ҳаловат маъқул.
Қулоғимга шивирлар юрак,
Ҳақ шукрига тиловат маъқул.

* * *

Тўзғиган, тўзганни тутмоқ кўп оғир,
Тўрингда душманни
кутмоқ кўп оғир.
Яра агар жисму жонингда бўлса,
Ўз қўлларинг билан ситмоқ кўп оғир.

* * *

Кўнглимни кўзини гул билан ёпдим,
Кўнглимни изини гул билан ёпдим.
Дийдор, дийдор,
деди кўнглим ногаҳон,
Тил билан очгали,
дил билан чопдим.

* * *

Чироқни ёққани дил керак бўлар,
Уни ўчирмоққа қўлинг бўлса бас.
Кўнгилни кўргали гул керак бўлар,
Уни йўқ қилгани тилинг бўлса бас.

* * *

Нечун билмам теграмда
тош кўрдим мен,
Жонимда жафога бардош
кўрдим мен.
Бир сатр ичиндан бир
ташбеҳ топсам,
Вале бошим узра қуёш кўрдим мен.

(Давоми бор)

**Маҳмуд ТОИР**

Миробод туманидаги 1-сон оилавий поликлиника жамоаси ходимамиз
**Иродахон Тахировна ТАШХОДЖАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.15
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5